

ЛИРОТРАГИК РОМАН – «ҚЎРҚМА»

Аввалига мен айнан чет элда, хусусан, Германияда таълим олган талабаларнинг тақдири билан қизиққаним, Берлиндаги архив ва кутубхоналарда уларнинг изларини излаганим, дейлик, ўша паллада Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» драмаси нашри ёки «Кўмак» мажмуасини айнан кўриб, қўл билан ушлаганим учун бу асар менга қизиқ кўринди, шунинг учун шиддат билан жуда қисқа муддат – учтўрт кун ичида ўқидим, деб ўйладим. Таассуротларим билан ўртоқлашгандим, Жавлон Жовлиевнинг романини бошқалар ҳам деярлик худди шундай кайфиятда, тез ва қизиқиш билан ўқишибди. Шиддат билан, илҳом билан ёзилган, дарди улкан асарлар шундай ўқилади, деган хаёлга бордим. Демак, бунда бир ҳикмат бор, бунда бир ибрат ва сабоқ бор. Романнинг ўқувчини ўз ўпқонига, уйирим-гирдобига тортиб кетиши яхшиликдан, бадиийтдан, тоза ва чўнг ният ижросидан дарак беради.

«Қўрқма» янги даврнинг янги ва дардчил, янгича услубда ва ўзига хос янги оҳанг билан ёзилган янги романидир. Жавлон ўз фикри, нияти ифодаси учун шундай – ҳеч кимда ўйламаган бир бадиий усул-йўлни топибди. Янгилик топилдиқлар билан гўзал ва адабиётдаги оригиналлик тақлиддан қутилиш билан, янгича ранг билан бетакрор бўлади.

Яқин ўтмишдаги барчага маълум ва машҳур аламли ҳодисалар ва Германияга бориб ўқиган талабалар тақдири баёнида Ровий – сўзамол йигит роман марказида туради. Бу йигитнинг туғилиши қизиқ. Олти ойлигидаёқ ота-онасидан ажралган, аммо ёзувчи фантазиясига кўра, у айнан ўша маҳали тафаккур ва тасаввур эгасига айланади. Олти ойлик чақалоқ ҳеч қачон теварагида нималар бўлаётганини билмайди, албатта. Бироқ ёзувчининг қалами сизни ишонтиради. Бадиий ижодда каламнинг ишонтириш қуввати жуда муҳим саналади. Романда лирика билан фожиа уйғунлашиб кетади. Драматик турда трагикомедия деган жанр мавжуд. Лекин лиротрагик роман деган адабий-назарий тушунча йўқ. «Қўрқма» – шундай роман. Ровий кулиб яшайди, ўйланади, мудрайди, ухлайди, уйғонади. Дарвоқе, бу роман туш ва хуш, уйқу ва уйғоқлик, муҳаббат ва нафрат – шу каби бир қатор контрастлар уйғунлигидан майдонга келган. Шунинг учун ёзувчи ўз ровий қаҳрамони хаёлига истаган бир ҳодисани сингдира олади ва буни ўқувчи жуда табиий, самимий қабул қилади.

Роман қаҳрамони фикрчан одам, жуда улкан тафтишчи. Ўзини ва ўзига яқин-йироқ инсонларни, уларнинг оиласини, ўзига тенгқур талабаларни реал ҳаётда ва хаёл кўзгусида тафтиш этади, энг муҳими, ўтган аср бошларида хорижга кетган талабалар дунёсини, орзу-истакларини таҳлил этиб, замона ёшлари турмуши билан таққослайди.

«Қўрқма» – ҳис-ҳаяжон романи. Ундаги бадиий ғоя кенг миқёсли, унда миллат ва Ватан дарди бор. Бу муаммо бугун ва бир аср олдинги ёшлар ҳаёти мисолида туш ва хуш оралиғида, тажоҳили орифона йўсинда баъзан пичинг ва кесатик қамровида бадиий ифода этилади. Муаллиф мудроқ кўнгилларни уйғотишни истайди; одамлар ўз яратилиш тийнатига чуқур назар солишини хоҳлайди.

«Қўрқма»нинг ровийси дардга чалинган тарихчи талаба. Дарду хаёлини рамзий маъно ташийдиган етмиш талаба эгаллаб олган. Архив титкилайди. Унинг фикри тоза, теран, миллий мезони аниқ. У атрофида юрган сотқинлардан, эшакқуртлардан, қўйлардан, хоинлардан, қони айниганлардан, жигари қотиб, юраги юрмаётганлардан норози бўлиб юради.

Романнинг ўзига хос услубида вақт ва воқелик тизими, кетма-кетлиги, уларнинг чегаралари исталган маҳали бузилиши мумкин ва



Баҳодир Карим,
филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Бадиий ижодда каламнинг ишонтириш қуввати жуда муҳим саналади. Романда лирика билан фожиа уйғунлашиб кетади. Драматик турда трагикомедия деган жанр мавжуд. Лекин лиротрагик роман деган адабий-назарий тушунча йўқ. «Қўрқма» – шундай роман



бу ҳол табиий туюлади. Гўри Амир мақбарасига бориб, Ватанга хизмат борасида онт ичиб, Германияга ўқишга кетган талабалар қисмати жуда қизиқ. Саттор Жаббор, Марям Султонмуродова, Аҳмад Шукрий, Абдуваҳоб Муродий каби талабалар у ерда «Кўмак» журнали чиқарганини, театр труппаси ташкил этишганини кўпчилик билади. Романда уларнинг мактублари, терговчилар билан бўлган савол-жавоблари келтирилади. Булар бадиий адабиётнинг рамз тилига маҳорат билан кўчирилади. Талабаларнинг ўқишида Олимжон Идрисий деган шахс Бухоро ва Туркистон ҳукумати билан Германия ўртасида тилмочлик қилади. Григорий Мейерсон деган ғалати шахс талабаларни мажбурлаб ортига қайтариш учун собиқ иттифоқ вакили бўлиб, Берлинга боради. Германияда ўқиётган талабалар қаршилигига учраган Мейерсон «Қўрқма» муаллифининг ҳам нафратидан бебаҳра қолмайди. «Сичқон яхмалак учса, арзигулик бош! Тошбақа бўйнидай бужмайган қулоқ! Қишлоқ йўлидай нотекис башара! Итбалиқлар сузгудек кўз! Бойўғли қидирган икки вайрона – бурун! Буларнинг барчаси Мейерсон шахсий мулки». Сочилмаган, бир жойга жамланган, ноанъанавий ва ёзувчининг антипатияси билан чизилган портрет.

Илм, маҳорат, маданият, истеъдод намойиши одамнинг, айниқса, ижодкорнинг мартабасини белгилаб беради. Тўғриси, китобдаги бугун ва тарих манзаралари ҳалига қадар эсга олинса, асрий ғам-ташвиш, орзу-армонлар одамнинг юрагини ўртайди

Романнинг ифода йўсинида ортиқча «дедидеди»лар ҳам, зерикарли узундан-узун диалоглар ҳам йўқ. Жумлалари маънили, таъсирли ва пишиқ. Бирор қисқа жумла бошини ўқийсиз, унинг давоми сиз ўйлаганча тугамайди. Бошқача фикр, бошқача сўз ва қўшимчалар билан туганчига етади гап. Шунинг учун ўша жумлани қайта ўқишга зарурат сезасиз. Ҳаддан ташқари файласуф, оқилу доно бўлишга ружу қўйиш ҳам кузатилмайди. Романда алғов-далғовли аср воқеалари, ўтган замон ва унинг ичида ҳаракатланаётган инсонлар образи бор. Асосий саҳнада – Ровий.

«Қўрқма» – тақдирлар, таҳқирлар, таъбир ва тадбирлар романи. Унда тарих, ингранiш, чорлов, надомат, нафрат, меҳр-мурувват мужассам.

«Қўрқма» – дардлар гармонияси. Бу романни фикрлаб, хаёл ва ақлни ишга солиб, ора-сира сюжетнинг узилган ипларини улаб ўқиш керак.

Китобда деярлик ҳамма билиб, айтиб, аммо ёза билмай, кўпчилик ичида юрган ҳодисалар баён қилинади. Уларни Жавлон Жовлиев оригинал услубда ифода этади. Воқелик ҳақиқатини айта олиш йўриғи – бу услубий янгилик ҳар кимнинг эътиборини тортади.

Шу романи билан Жавлон Жовлиев катта одамга айланди. Илм, маҳорат, маданият, истеъдод намойиши одамнинг, айниқса ижодкорнинг мартабасини белгилаб беради. Тўғриси, китобдаги бугун ва тарих манзаралари ҳалига қадар эсга олинса, асрий ғам-ташвиш, орзу-армонлар одамнинг юрагини ўртайди.

Ўзбекнинг ор-номуси, ҳаёси-иффати, ҳаракат-интилишлари – «Қўрқма» шулар юзига тутилган кўзгу саналади.

«Қўрқма» – нима у? Нима учун «Қўрқма»? Хавф нимада? Хавфнинг илдизи ҳар бир кимсанинг ўзида; ўзининг кимлигини англамаслигидан пайдо бўлади. Роман номидан ундов сезилиб турибди. Мард, ориятли, ботир, баҳодир, шерюрак, паҳлавон бўлиб, қўрқмай яшамоқ керак. Роман ўқувчини элпарвар, ватанпарвар, миллатпарвар, ҳақиқатпарвар бўлишга чақиради.

Қўрқоқлик ёмон, эл-юртни қултабиат, қулфитратлар, қулфарзандлар билан тўлдириш фожиа. Ҳикмат – «Мардларнинг онасигина онадир фақат». Танбеҳли савол: «Оналар, сиз кимларни туғаётибсиз?!». Мулоҳаза: «Она тирик, ота тирик, аммо бола етим қўйдай ўсди. Болаликдан мардикор бўлиб ўсди». Ўзи бошқача эканини билади: «Мен эса, барига тупуриб ўсдим..., бобомнинг қўйнида қийқириб ўсдим...» Ёзувчининг бундай оғриқли ўйлари ўқувчини сергаклантиради.

Асарда мустабид замонларни қўмсаб қолган чоллар тасвирланган саҳифалар келади ва Ровий бундай ўринларда таҳциддан ҳам тоймайди: «Мен шу чолларнинг оғзини тупроқ билан тўлдиргим келади». Айрим оғриқлар асосий мавзуга ўхшатиш санъати билан осон боғланади: «Орол каби йўқликка сингиб кетган йигитларни топа олармиканман?», «Орол денгизи каби мамлакатда қаҳрамон ҳам қуриган бўлса абадулабад!» Ёзувчи баъзан илгари сурилаётган адабий тезис баёни учун

ўтган асрнинг 20-йиллари талабалари тафаккурдан фойдаланади: «Биз мағлуб миллатмиз, ғурурни унутган, қорин учун яшашга ўрганган ва кўнган!» Берлинда ўқиётган замонавий талабаларга баҳо берилади: «Ўқиш баҳона даромад учун келганлари ҳам ҳисобсиз». Ҳақиқат аччиқ бўлади. Лолани излаб, Берлинга борган йигитдан у ерда ўқиётган ҳеч ким Ватан тўғрисида бир оғиз сўз сўрамайди. Шунинг учун уларга «зиёли кўринишидаги жаҳолатсан, вафо ниқобидаги хиёнатсан» деб очиқ айтади. Зиёли қиёфасидаги жоҳилнинг бир қирраси асарда Улуғ Курсдош образи орқали кўрсатилади. Улуғ Курсдошлар галереяси – булар миллатни, маънавиятни, илм-фанни емирган эшакқуртлар, маданий қўйлар.

Эътибор берилса, романдаги образларга исмлар берилмаган. Хусусан, амакиларини тўнғич, сувчи, домла, тракторчи, табелчи, кенжа деб, атай умумий ном билан атайди. Ном беришга арзимайдиган бу тоифа.

Асарни меҳр билан, ҳикмат ва ҳақиқат излаб ўқиган одам «Севги ҳам беш ҳарф, кафан ҳам», «Ўлим қаҳрамонлик бўлмаган, тириклар керак миллатга!», «Тарихга тупуриш санъати фан қилиб ўқитилди» каби жумлаларга дуч келади. «Ё Худойим, то қиёмат Ватан бизга омонатдир, омонатдир, унга хиёнат – қиёматдир, қиёматдир, қиёматдир!» Роман шундай хитоб билан тугалланади.

Танқид ва хато – излаган уни ҳам топади. «Ҳақиқатни топишдан кўра, хатоларни топиш осон бўлади» (И.В.Гёте). Негизига ҳақиқат сингдирилган асарларнинг ҳақиқатини топиб ўқиш ва уқиш керак.

Табиийки, «Қўрқма» романини ўқиш жараёнида фикрлар пайдо бўлади: бадиий асар ҳис-туйғули, ҳайрат-ҳаяжонли, қувонч-қайғули, файзли бўлса, мисоли гуркираган ямяшил дарахтга ўхшаб кўринади. Бундай сифатларга эга бўлмаган асар ҳам дарахт. Аммо унинг баргларини совуқ урган, илдизи бўш,



шохлари қуриб қотган бўлади. Кўзга хунук кўринади, сояси ўзига тушмайди. «Қўрқма» – гуркираган ям-яшил дарахт. Аммо ора-сира бир-ярим қурушқоқ новдалари бор. Уларни гулқайчи билан беозоргина буташ керак. Дейлик, айрим беҳаё, яланғоч эпизодларни пардалаш, тасвирни бадиий адабиётнинг рамзлар тилига кўчириш лозим эди. Юмшоқ қилиб, аяб айтганда, бундай арзимас нуқталар асарнинг умумпафосига зарар етказади. Ёшликка баҳор ва яшиллик ярашади. Ёшлик эҳтиросларни, орзулар, туйғулар, яхшилик ва яшиллик билан бирга туғишган бўлади. Орзулар баҳори билан ака-ука, опа-сингил тутинади. «Қўрқма» ёш ёзувчининг шундай палладаги ижод маҳсулидир.

Хулосага келдим. Замонавий ўзбек адабиёти тарихида санаб ўтиладиган, ўқишга тавсия қилинадиган асарлар бор. Улар номини ҳамма билади. Такрорлашга зарурат бўлмаса керак. Менимча, «Қўрқма» келгусида шу саноқли романлар қаторига киради. Ўзбек адабиёти тарихининг узун йўли ва йўлларида муҳташам маънавият бекатлари бор. «Қўрқма» адабиётчиларни Жавлон Жовлиев бекатида бир тўхтаб ўйлашга мажбур қиладиган роман, менимча.

Берлинда ўқиётган замонавий талабаларга баҳо берилади: «Ўқиш баҳона даромад учун келганлари ҳам ҳисобсиз». Ҳақиқат аччиқ бўлади. Лолани излаб, Берлинга борган йигитдан у ерда ўқиётган ҳеч ким Ватан тўғрисида бир оғиз сўз сўрамайди. Шунинг учун уларга «зиёли кўринишидаги жаҳолатсан, вафо ниқобидаги хиёнатсан» деб очиқ айтади

Замонавий ўзбек адабиёти тарихида санаб ўтиладиган, ўқишга тавсия қилинадиган асарлар бор. Улар номини ҳамма билади. Такрорлашга зарурат бўлмаса керак. Менимча, «Қўрқма» келгусида шу саноқли романлар қаторига киради

Баходир Карим – поэт, доктор филологических наук, профессор, член Союза писателей Узбекистана.

На моем столе новая книга, которая привлекла внимание прежде всего названием – «Кўрқма» («Не боись» – здесь уместен, мне кажется, именно такой перевод, а не «Не бойся»). Открыл и – можете не поверить – окунулся прямо-таки в мир ее героев, вернее, в мир его героев, т.е. не книги, а романа «Кўрқма»…

Автор рецензии рассказывает: «Долго был под впечатлением, решил поделиться, и, как оказалось, большинство моих друзей и знакомых по перу не просто знакомы с «Кўрқма» Жавлона Жовлиева, они также быстро, с интересом, с упонием прочитали его. Подумал, что так читаются произведения, написанные с особым стремлением и в то же время с глубоким чувством боли и переживаний… Значит, в том есть истина, в том есть и урок… Роман увлекает читателя, тянет в свои объятия, может, даже и в свои сети, а это только к лучшему, только от чистоты слов и помыслов…»